

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ: ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА

Хўжаназарова Мақсуда Муҳаммадиевна

*Саф қисми курслар бошлигининг Хотин-қизлар масалалари бўйича
ўринбосари, подполковник*

Аннотация: Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид Осиё мамлакатларининг илгор иши тажрибаларини таҳлил қилиши, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усуllibарини қўллаш, хотин-қизлар жиноятчилиги ҳамда фоҳишалик жиноятлари профилактикасини хорижий давлатлар тажрибаси асосида чуқур ўрганиши, уларнинг энг самарали шакл ва усуllibарини Ўзбекистонда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда жорий этиши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: профилактика, хотин-қизлар жиноятчилиги, фоҳишалик жиноятлари, жиноят, умумий, якка тартибдаги профилактика, жамоатчилик назорати.

ОПЫТ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ ЖЕНЩНОДЕВОЧНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: НА ПРИМЕРЕ СТРАН АЗИИ

Аннотация: Анализ передового опыта стран Азии в области профилактики женской преступности, использование современных и эффективных форм и методов, применяемых в них, углубленное изучение вопросов профилактики женской преступности и преступлений, связанных с проституцией, на основе опыта зарубежных стран, их наиболее эффективные формы и методы женской профилактики в Узбекистане Думается о разработке предложений и рекомендаций по осуществлению профилактики женской преступности.

Ключевые слова: профилактика, женская преступность, преступления проституции, преступность, общая, индивидуальная профилактика, общественный контроль.

EXPERIENCE OF SOME FOREIGN COUNTRIES IN PREVENTION OF GIRL CRIME: THE EXAMPLE OF ASIAN COUNTRIES

Abstract: Analysis of the best practices of Asian countries in the field of preventing female crime, the use of modern and effective forms and methods used in them, an in-depth study of the issues of preventing female crime and crimes related to prostitution,

based on the experience of foreign countries, their most effective forms and methods women's prevention in Uzbekistan We are thinking about developing proposals and recommendations for the implementation of the prevention of women's crime.

Key words: prevention, female crime, crimes of prostitution, crime, general, individual prevention, public control.

Ҳар қандай жиноятлар профилактикасини амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг илғор иш усулларини ўзимизнинг миллий ва маънавиятимизга мос бўлганларини амалий фаолиятга татбиқ этиш самарали натижалар беради. Шу жумладан, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда нафақат ўрганилаётган жиноятчиликнинг ўзи, балки унга шартшароит яратадиган воқеа, ҳодисалар ўрганилиши керак. Фоҳишалик, фоҳишахона сақлаш ҳам бевосита хотин-қизлар жиноятчилиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Давлат, миллий ва маънавий қадриятлар тизими ва жамоатчилик фикридан келиб чиқиб, фоҳишаликка қарши қураш сиёсатини мустақил белгилашга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам ҳатто бир концептуал ёндошув танланган мамлакатларда ҳам уни амалга оширишнинг йўллари ва усуллари ҳар хил бўлиши мумкин⁶⁴.

Ҳукуқбузар аёллар жиноят содир этиш вақтида яримидан кўпи турмуш қўрган, бир ёки ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар ҳисобланади. Кўп ҳолатларда суд ҳукмига кўра жазо тайинлангандан сўнг, маҳкума жазони ижро этиш муассасасидаги шароитларга ҳали кўниkmай туриб, унинг оиласи бузилиб кетяпти ва эркак кишиларнинг кўпи бошқа аёллар билан оила қуряпти, таъкидлаб ўтиш керак-ки, ҳамма хорижий давлатларда бундай камчиликлар кузатила берилмайди. Такидлаш жоизки, айрим Осиё давлатларида кўпчилик махкумалар оиласидан ажрашмаганлиги сабабли жазодан озод этилган вақтида тўғри йўлга кириб, тинч ва тотув ҳаёт кечиришмоқда. Бундай масалаларни айрим Осиё давлатлари тажрибасида кўриб чиқиши лозим топдик.

Японияда ҳам Осиё мамлакатлари орасида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид ўзига хос тажриба шаклланган. Японияда йиллар давомида шаклланган маданият уларда хотин-қизларнинг ўта обобли ва тарбияли бўлиб шаклланишига хизмат қилган. Таъкидлаш лозим, шу боисдан, бошқа давлатларга қараганда Японияда хотин-қизлар жиноятчилиги нисбатан камроқдир. Статистик маълумотларга қараганда Японияда аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 2%ини ташкил қиласиди⁶⁵.

⁶⁴ Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул мұхаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашириёти, 2007. –Б. 144.

⁶⁵ Selon les statistiques, la délinquance féminine au Japon représente 2 % de la délinquance totale. <https://www.erudit.org/en/journals/as/2014-v38-n1-as01471/1025817ar.pdf>

Таъкидлаш лозимки, Японияда 1874 йилдан 1947 йилга қадар ИИВ марказлашган тизим сифатида шаклланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1954 йилдаги «Полиция ҳақида»ги қонунга мувофик, давлат аппаратида полиция кучлариға раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси бевосита Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат хавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган. Жойлардаги полиция органлари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунади⁶⁶. Япония полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолиятида муайян марказлашганлик мавжуд бўлиб, қонунга мувофик, жамоат хавфсизлиги давлат комиссияси ўз функцияларини амалда Полиция округлар бошқармасига кўрсатмалар бериш орқали бажаради.

Тизимдаги кейинги погона ҳисобланган префектурал штаблар устидан тегишли жамоат хавфсизлиги комиссиялари билан бирга Полиция округлар бошқармаси ва маҳаллий полиция бошқармаларининг бошлиқлари раҳбарлик ва назоратни амалга оширадилар. Шунингдек, мамлакат пойтахтида бошқа префектуралар каби ўз юрисдикцияси доирасида харакат қиласидан катта мустақил тузилма Пойтахт полиция бошқармаси фаолият кўрсатади⁶⁷. Энг муҳим жиҳати жиноий гуруҳларга қарши кураш тизими яхши шаклланган, хуусан, Япония ЖКнинг 16-моддасида жиноий гуруҳ аъзолари томонидан шахсни мажбурлаш ёки ишонтириш орқали жиноий гуруҳга жалб қилиши ёхуд жиноий гуруҳ таркибидан чиқишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган⁶⁸.

Япония полициясида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш бўйича катта тажриба шаклланган, жумладан, “Акалар ва опалар”, “Ота-оналар ва ўқитувчилар” жамиятлари, ўзини ўзи бошқариш қўмиталари ҳамда полиция билан алоқа пунктлари бу борадаги ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли субъектларидир. Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида ўз ўрнига эга бўлган бу каби жамиятлар илк марта 1947 йилда Киото шаҳрида талабалар томонидан ташкил этилган. Ҳозирда жамият Япониянинг барча ҳудудларидаги юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштироқида фаолият юритади⁵.

Дарҳақиқат, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда бу каби жамиятларни ташкил этиш ва улар билан ҳамкорликда манзилли чора-тадбирларни амалга оширилиши самарадорлиги юқоридир.

Жанубий Корея Республикасида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси алоҳида йўналиш сифатида қаралмайди, балки умумий жиноятчиликка қарши курашда амалга оширилади. Айниқса фоҳишаликка жалб қилишга қаттиқ курашиб келинади. Бу ҳолатлар хотин-қизлар жиноятчилигининг асосий сабабчиси сифатида кўрилади. Жанубий Корея ЖК 242-моддасида “Фоҳишаликка жалб қилиш” деб номланиб, унга биноан, даромад олиш мақсадида вояга етмаган қизни ёки аёл

⁶⁶ Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О.А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 151.

⁶⁷ Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис.... д-ра. юрид. наук. – М.: Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2016. – С. 284.

⁶⁸ Уголовный кодекс Японии <https://constitutions.ru/?p=407>

жинсидаги шахсларни фоҳишаликка жалб қилганлик учун учун жавобгарлик назарда тутилган⁶⁹.

Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича Россия Федерациясида алоҳида тажриба шаклланган бўлиб уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, хуқуктартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини қўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чоратадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-хуқуқий сиёsatнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди⁷⁰.

Таъкидлаш лозимки, РФ Конституциясида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича субъектлар вазифаси белгилаб берилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, РФда хотин-қизлар профилактиkasини амалга оширишда жамоатчилик тузилмалари фаолиятидан унумли фойдаланилиши ва бу борада алоҳида қонун қабул қилинганлиги ҳам ўзига хослигини қўрсатади. Жумладан, РФнинг “Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида”ги (2.04.2014 й.) федерал қонуни ва 500дан ортиқ худудий норматив-хуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин⁷¹.

Полицияга кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаларини тўрт гурухга ажратиш мумкин: а) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда бевосита хуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоатчилик тузилмалари – тартибни сақлаш таянч пунктлари, кўнгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти; б) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоатчилик тузилмалари – комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар; в) яшаш жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари – мавзелар қўмиталари, ота-оналар қўмиталари, жамоатчи тарбиячилар; г) муайян масалаларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари – маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар⁷².

Кўнгилли халқ дружиначилари – Россияда тарихан шаклланган жамоатчилик тузилмаси бўлиб, ҳозирда мамлакат қонунчилигига уларнинг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқук-тартиботни таъминлаш борасидаги фаолиятини янгича шароитда

⁶⁹ Уголовный кодекс Корея <https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliko-koreya>.

⁷⁰ Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204. 2 Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 103–114.

⁷¹ Ильин П.О. Особенности деятельности народных дружин из числа реестровых казачьих обществ, привлекаемых органами внутренних дел МВД России к охране общественного порядка // [Эл. манба]. – URL: <http://cyberleninka.ru/article> (мур. вакти: 27.03.2016).

⁷² Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И. К вопросу привлечения общественным объединением к охраны общественного порядка // Российский следователь. – 2006. – № 10. – С. 39.

ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Рус олими Т.В. Матузконинг тадқиқотларида қайд этилганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи полиция ходимларининг кўпчилиги (54,2 %) дружиначилар билан ҳамкорлик қилишни мақул кўриши ҳам уларнинг жамиятда юқори мавқега эга лигини кўрсатади⁷³.

М.З.Зиёдуллаев: полициянинг жамоатчилик билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш орқали, биринчидан, маҳаллий даражада ҳуқук-тартиботни таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлашга; иккинчидан, полиция органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга; учинчидан, ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун нафақат полиция, балки жамоатчиликнинг ҳам масъул эканлигини тушуниб этишга эришилади⁷⁴ деб таъкидлаган.

Фикримизча мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда РФдаги каби жамоат тузилмаларининг фаолиятини белгилаб берувчи қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлимлари иштироки тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, РФда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда Россия Федерациясининг 2016 йил 23 июндаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий тизими тўғрисида”ги Қонуни⁷⁵ муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумий ва якка тартибдаги турлардан иборатлиги (15-модда), умумий профилактика – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек фуқароларда ҳуқуқий билимни шакллантиришга йўналтирилиши, якка тартибдаги профилактика – назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаганлар, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаганлар, дайди ва тилмачилик билан шуғулланувчи шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил вояга етмаган шахслар, муайян яшаш жойга эга бўлмаган шахслар ва сурункали ичкиликбозлик ва гиёхвандликка мубтало бўлган шахсларга нисбатан уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитъларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларга йўналтирилиши белгиланган.

Беларусь Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида”ги (4.01.2014 й.) қонунида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари

⁷³ Матузко Т.В. Организация взимодействия сотрудников милиции с гражданами на современном этапе // Психопедагогика в правоохранительных органах. – Омск. – 2006. – № 3. – С. 16.

⁷⁴ Зиядуллаев М.З. Зарубежный опыт системы охраны общественного порядка и профилактики правонарушений в населенных пунктах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2017. – № 2. – С. 46. ²Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей. – М.: Открытое общество, – 2001. – С. 48.

⁷⁵ Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсынов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 128 с.

тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва (ёки) якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш бўйича фаолияти» (1-м.)⁷⁶. Мазкур қонунда ҳам хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича алоҳида йўналиш ёки чора-тадбир белгиланмаган. Шу боисдан, қонунда белгиланган йўналишда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича Марказий Осиё мамлакатлари тажрибасини ўрганишда миграцион жараёнлар билан боғлиқ, шунингдек, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунончи, мазкур мамлакатлар мустақилликка эришганларидан сўнг ўз миллий қонунчилигини яратиш жараёнида жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳам ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.

Хусусан, миграция жараёнларини тартибга солиш, унинг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд эди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, республикада миграция жараёнларини барқарорлаштириш иммиграция, эмиграция ва ички миграция соҳаларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий-молиявий чора-тадбирлар мажмuinи ўз ичига олиши лозим. Шундай қилиб, миграция, юқорида қайд этиб ўтилганидек, жиноятчиликка салбий таъсир кўрсатувчи мустақил омил ҳисобланади⁷⁷.

Қозогистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (29.04.2010 йил) қонуни хотин-қизлар жиноятчилиги профилактиканинг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Чунончи, мамлакат қонунчилигида ҳам хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича алоҳида қонун мавжуд эмас. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш йўли билан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар комплекси⁷⁸дир.

Кирғизистон Республикасининг «Кирғизистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (25.06.2005 й.) қонунида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – Қирғизистон Республикаси давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслари ва фуқароларининг ғайриҳуқуқий қилмишларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш ва заарсизлантиришга, хатти-харакатлари ғайриижтимоий

⁷⁶ Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т., 2018. – С. 74.

⁷⁷ Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўкув қўлланма / Масъул мұхаррир: ю.ф.д.,проф. М.Х.Рустамбеков. – Т.: ТДЮИ нашириети, 2007. –Б. 98.

⁷⁸ Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК «О профилактике правонарушений» // www.online.zakon.kz.

йўналишда бўлган алоҳида тоифадаги шахсларни якка тартибда тарбиялаш ва қулай турмуш шароити билан таъминлашга, қонунга итоаткорлик хулқ-авторини рағбатлантирувчи омилларни фаоллаштиришга, ғайриҳуқуқий қилмишларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, тарбиявий, махсус ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган фаолияти» (1-м.)⁷⁹ эканлиги қайд этилган.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид Осиё мамлакатларининг илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усулларини қўллаш, хотин-қизлар жиноятчилиги ҳамда фоҳишалик жиноятлари профилактикасини хорижий давлатлар тажрибаси асосида чуқур ўрганиш, уларнинг энг самарали шакл ва усулларини Ўзбекистонда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида самарадорликка эришишнинг муҳим жиҳати хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда мамлакатимизга мос равишда самарали шакл ва усулларини қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қ.Р.Абдурасурова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –Б. 144.
2. Selon les statistiques, la délinquance féminine au Japon représente 2 % de la délinquance totale. <https://www.erudit.org/en/journals/as/2014-v38-n1-as01471/1025817ar.pdf>
3. Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О.А. Белявой. – М.: Прогресс, 1989. – С. 151.
4. Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис.... д-ра. юрид. наук. – М.: Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2016. – С. 284.
5. Уголовный кодекс Японии <https://constitutions.ru/?p=407>
6. Уголовный кодекс Корея <https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliki-koreya>.
7. Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204. 2 Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 103–114.

⁷⁹ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т., 2018. – С. 113.

8. Ильин П.О. Особенности деятельности народных дружин из числа реестровых казачьих обществ, привлекаемых органами внутренних дел МВД России к охране общественного порядка // [Эл. манба]. – URL: <http://cyberleninka.ru/article> (мур. вақти: 27.03.2016).
9. Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И. К вопросу привлечения общественным объединением к охраны общественного порядка // Российский следователь. – 2006. – № 10. – С. 39.
10. Матузко Т.В. Организация взаимодействия сотрудников милиции с гражданами на современном этапе // Психопедагогика в правоохранительных органах. – Омск. – 2006. – № 3. – С. 16.
11. Зиядуллаев М.З. Зарубежный опыт системы охраны общественного порядка и профилактики правонарушений в населенных пунктах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2017. – № 2. – С. 46. Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей. – М.: Открытое общество, – 2001. – С. 48.
12. Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов– Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 128 с.
13. Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т., 2018. – С. 74.
14. Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –Б. 98.
15. Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК «О профилактике правонарушений» // www.online.zakon.kz.
16. Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т., 2018. – С. 113.